


Мусулмонларнинг гўзал ибодатлари уни ром этди



Мусулмонларнинг гўзал ибодатлари уни ром этди

Жамият

18:06 / 05 апрель 1685

Бугун сизларга кўпчилик танимайдиган бир инсон ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Унинг асл исми Леопольд Вайс. У 1900 йилда Австрия-Венгрия империясида туғилган яхудийлардан бўлиб, ёзувчи, журналист, мутафаккир, тилшунос, ижтимоий танқидчи, ислоҳотчи, таржимон, дипломат, файласуф ва сайёҳdir.

1922 йилнинг баҳорида Вайс Қуддусда маҳаллий психиатрик клиника шифокори бўлган амакиси Дориан Фейгенбаумдан Иерусалимга ташриф буюриб, бир мунча вақт шаҳарда қолиш таклифини олади.

Иерусалим шаҳрида Вайс мусулмонлар ҳаёти билан яқиндан танишди. Ақсо масжидига зиёратлар уюштирди.

Мусулмонларнинг жамоавий тарзда бироқ, бир тану бир жон бўлиб, амалга оширувчи тартибли ва гўзал ибодатлари уни ўзига ром этди. Масжидларда у ҳақиқий сакинат ва ором манбасини кўрди. Аллоҳнинг мазкур ибодатлар асносида уларга бошқалардан кўра яқинроқ бўлишини ақли билан ҳис этди.

1923 йили Леопольд Вайс Иорданияга ташриф буюрди. Сўнгра, Исломни яхшилаб ўрганиш учун Сурияга сафар қилди. 13 ёшидаёқ иброний тилини

мукаммал даражада ўрганиб, эски аҳд ва унга боғлиқ китобларни мутолаа қилишни бошлаган, инглиз, немис тилларини мукаммал даражада ўрганган Леопольд Вайс Сурияга кўчиб ўтгандан сўнг араб тилини пухта ўрганишга ўзини бағишилади.

Қуръони каримнинг бир неча хил тафсирларини араб тилида ўқиб чиқди. Ҳадиси шарифларни ўрганди ва исломга тааллуқли бўлган кўплаб китоблар билан танишиб чиқди.

Ислом динининг мукаммаллиги уни ўзига ром этган ва ҳайратга солган эди. Леопольд Вайс христианлик ва яхудийлик динидаги кўплаб мураккаб ва тушуниш қийин бўлган диний расм-русумлар, ақлга зид бўлган эътиқодий масалалардан ҳайратга учраб, адоксиз саволлар гирдобида қийналар эди.

У Ислом динини ўрганиш давомида ўз саволларига жавоб топди, ҳайратлари ариди ва кўнгли таскин топди. Уни фақат, мусулмонларнинг Исломга тўлиқ амал қилмасликлари балки, уни етарли даражада қадрламасдан зое қилишлари ҳамда дунёвий билимларни ташлаб қўйганликлари афсуслантиради, холос.

Ниҳоят, 1926 йил Леопольд Вайс Ислом динини қабул қилганligини эълон қилди. Бир кун ўтиб унинг аёли ҳам Исломга мушарраф бўлди.

Леопольд Вайс ўз исмини Муҳаммад Асад исмига ўзгартирди. Сўнгра, янги мусулмон бўлган оила муборак ҳаж сафарига отланди.

Леопольд Вайс Фаластин, Миср, Иордания, Сурия, Саудия Арабистони, Эрон, Афғонистон, Ливия ва Ҳиндистон каби мамлакатларга саёҳат қилган.

У Қуръони карим маъноларини инглиз тилига таржима қилди. Буюк юртдошимиз имом Бухорий асарларининг гултожи бўлган Саҳиҳул Бухорийни ҳам инглизчага ўгириб, унга шарҳлар битди, ислом дини ҳақида кўплаб рисолалар ёзди.

Леопольд Вайс Исломга мушарраф бўлишидан аввалроқ Фаластинда мусулмонлар билан кўп суҳбатлашар ва Ислом дини ҳақида улар билан фикр алмашарди. Мусулмонларнинг унга доимо яхши муносабатда бўлишлари, яхудий дея ажратмасликлари ҳам қайсиdir маънода унинг Исломга яқинлашишига сабаб бўлган.

Бир куни у мусулмонлар билан Ислом ҳақида сұхбатлашар экан, мусулмонларнинг дунё сақнасида бошқалардан ортда қолишларининг сабаблари борасида ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Шунда ўша ерда ҳозир бўлган олийжаноб хулқли бир мусулмон «Леопольд, сен ҳам мусулмонсан. Фақат, буни ўзинг ҳам билмайсан!», деди. Бу сўздан Леопольд Вайс кулиб юборди ва «Мен мусулмон эмасман, лекин Исломда шундай гўзалликни кўрдимки, унинг издошлари уни зое қилаётгандарини кўрганимда чидай олмай қоламан», деди.


Бироқ, ўша мусулмоннинг сўзлари аслида ҳақиқат эди. Зеро, ҳидоят уруғи Леопольднинг қалб тупроғига аллақачон тушган ва аста-секинлик билан томир ёйишни бошлаган эди. Аммо, бундан унинг ўзи ҳам бехабар эди.

Мазкур гўзал хулқли ва қалб кўзи очиқ бўлган мусулмон томонидан айтилган сўз Леопольд Вайснинг қалб торини ларзага солган ва узоқ вақтдир қочиб юрган нафси ва ўзлиги билан бир зумга юзлаштирган эди.

Леопольд Вайс бу вақтда ойнада кўринган ўз аксини қабул қила олмас, ундан қочишига ҳаракат қилар эди. Бироқ, унинг асл шахсияти Вайсни таъқиб этишда давом этди ва шаҳодат калимасини нутқ қилганда юқоридаги сўзларнинг нақадар ҳақ ва сидқ эканлигини Аллоҳ таоло рўёбга чиқарди. Ҳа, унинг мусулмонлигига анча бўлган эди.

Фақат, буни ўзи билмасди, холос.

У араб тили ва исломни пухта ўрганиш учун Азҳар университетининг равоқларида ҳам таълим олди. Сурияда ҳам таълим олди. Натижада, Ислом оламининг 20 асрда энг ёрқин порлаган мутафаккири, олими ва даъватчисига айланди.



Суратда унинг «Макка йўлида» ("The road to Mecca") номли китоби бўлиб, муаллиф унда ўзининг ҳидоят йўли ва бу йўлда бошидан кечирганларини хикоя қиласди.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартағи 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.